

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ВА
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.I.16.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

АБДУЛЛАЕВ АХРОР ЖАХБАРОВИЧ

**ҚУРИЛИШ СОҲАСИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ
ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ СТРАТЕГИЯСИ
(Тошкент вилояти мисолида)**

**08.00.15 – Тадбиркорлик ва кичик бизнес иқтисодиёти
08.00.03 – Саноат иқтисодиёти**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Иқтисодий фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
economical sciences**

Абдуллаев Ахрор Жахбарович

Қурилиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг
ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини ошириш стратегияси
(Тошкент вилояти мисолида) 3

Абдуллаев Ахрор Жахбарович

Стратегия повышения социально-экономической эффективности
малого бизнеса и частного предпринимательства в строительной сфере
(на примере Ташкентской области) 27

Абдуллаев Ахрор Жахбарович

Strategy of increasing of social-economic efficiency of small business
and private entrepreneurship in the field of construction
(Evidence from Tashkent Region) 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 55

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ВА
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.I.16.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

АБДУЛЛАЕВ АХРОР ЖАХБАРОВИЧ

**ҚУРИЛИШ СОҲАСИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ
ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ СТРАТЕГИЯСИ
(Тошкент вилояти мисолида)**

**08.00.15 – Тадбиркорлик ва кичик бизнес иқтисодиёти
08.00.03 – Саноат иқтисодиёти**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2019.2.PhD/Iqt.878 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент архитектура қурилиш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tsue.uz) ва «ZiyoNet» таълим ахборот тармоғида (www.ziyo.net.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Нуриббетов Равшан Ибрагимович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ҳашимова Наима Абитовна
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Ёзиев Ғолибжон Лутфуллаевич
иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат архитектура қурилиш институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ва Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.16.03 рақамли Илмий кенгаш асосида бир марталик Илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислоҳ Каримов кўчаси, 49-уй. Тел: (99871) 239-28-72, факс (99871)239-43-51, e-mail: tdiu@tdiu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100003, Тошкент шаҳари, Ислоҳ Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871)239-28-72).

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ куни тарқатилди.

(2019 йил _____ даги № ____ рақамли реестр баённомаси).

А.Ш.Бекмуродов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, и.ф.д., профессор

У.В.Ғафуров

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
асосида бир марталик Илмий кенгаш
котиби, и.ф.д., профессор

М.А.Маҳкамова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
асосида бир марталик Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда глобаллашув ва кескин рақобатчилик жараёнлари кечаётган бир шароитда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик (КБХТ) субъектлари дунё мамлакатлари иқтисодиётининг драйвери сифатида майдонга чиқмоқда. 2018 йилда Европа давлатларидан Италияда 3,6 млн., Францияда 2,8 млн., Испанияда 2,4 млн. ва Германияда 2,3 млн.та КБХТ субъектлари фаолият кўрсатди. Айниқса, қурилиш тармоғида КБХТнинг роли тобора ортиб, ЕИ давлатларида, айниқса, Буюк Британияда иқтисодиётнинг қурилиш тармоғи савдо (6,5 млрд.АҚШ долл.) ва ишлаб чиқариш (2,3 млрд.АҚШ долл.) дан кейин 1,31 млрд.АҚШ доллари оборот билан 3-ўринни эгалламоқда¹.

Жаҳонда қурилиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини оширишнинг стратегик механизмини такомиллаштиришга қаратилган илмий изланишлар олиб борилмоқда. Хусусан, қурилиш жараёнларини ташкил этишда тизимли ёндашиш масалалари, қурилиш соҳасини инновацион тадбиркорлик ёндашувлари асосида такомиллаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари инфратузилмасини самарали ташкил этиш масалаларига эътибор кучайтирилмоқда. Қурилиш соҳасидаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини ошириш, давлат ва хусусий шерикчилик механизмини такомиллаштириш борасида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда ҳам бугунги кунда 24,1 мингдан ортиқ қурилиш корхоналари фаолият кўрсатиб уларнинг 98 фоизини кичик бизнес субъектлари ташкил қилади. Биргина, 2018 йилда 38,1 минг КБХТ субъектлари ташкил этилган бўлса, уларнинг 13 фоизи ёки 4953 таси қурилиш соҳасига тўғри келгани ҳолда умумий қурилиш ишларининг 41 фоизи КБХТ секторида, мамлакат ЯИМнинг 9,7 фоизи эса бевосита қурилиш тармоғида яратилди². Бироқ, қурилиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг фаоллиги ҳозирги давр талабларига тўлиқ жавоб бермайди. Шу сабабдан иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш, замонавий бозор механизмларини босқичма-босқич жорий этиш, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга кўп жиҳатдан боғлиқ. Хусусан, Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш»³ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Мазкур вазифаларнинг самарали ижросини таъминлаш қурилиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий

¹ Eurostat <http://xn--80aplem.xn--p1ai/analytics/Malyj-i-srednij-biznes-v-stranah-Evropy/>

² <http://review.uz/ru/post/biznes/goskomstat-uvedomlyuet>

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда, 20-сон, 354-модда.

тадбиркорликнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш заруриятини тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги ПҚ-2639 сонли «2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида»ги, 2019 йил 20 февралдаги ПҚ-4201-сонли «Обод қишлоқ» Дастурини 2019 йилда амалга ошириш бўйича қўшимча чоратadbирлар тўғрисида»ги қарорлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ҳам мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I.«Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Диссертациянинг назарий-методологик асослари сифатида Ўзбекистон Республикасининг соҳага оид тегишли қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари, Фармон ва Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, мамлакатимизда КБХТни ривожлантириш ва такомиллаштиришга оид фундаментал асарлар, миллий ва хорижий иқтисодчи олимларнинг қурилишда КБХТни янада ривожлантириш бўйича асарларидан фойдаланилди.

Қурилиш соҳасида кичик бизнеснинг шаклланиши ва ривожланишининг назарий-методологик муаммолари чет эллик олимлардан М.П. Войнаренко, В.Хюбнер, А.В.Васютчев, Э.Гербер Майкл, В.Я.Горфинкель, В.О.Мосейко, К.В.Екимова, В.А.Рубе, Р.Хизрич, М.Питерс, Р.Бруксбанк, Р.Уотермен, А.Хоскингларнинг асарларида кенг ёритилган⁴

⁴ Войнаренко М.П. Кластерные технологии в системе развития предпринимательства, интеграции и привлечения инвестиций // Электронный ресурс: <http://www.unice.org/ie/wp8/documents/novsem.htm>; Войцех Хюбнер. Сектор малых и средних предприятий в Казахстане, Кыргызстане и Узбекистане: ожидания, действительность и потенциал // Центральная Азия 2010. Перспективы человеческого развития. – с.130-145; Васютчев А.В. Предпринимательская деятельность на рынке строительных услуг (на материалах Калужской области). Дисс. на соиск.уч.степ.к.э.н. Москва – 2003г.; Гербер Майкл Э. Малый бизнес: от иллюзий к успеху. Возвращение к миру предпринимательства: Пер. с англ. М.: Олимп-бизнес, 2005г.; Горфинкель В.Я. Малый бизнес. Организация, экономика, управление: Уч.пособие – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2007. – 495 с; Мосейко В.О. Управление в структурах среднего и малого бизнеса: системно-конструктивистский подход // Проблемы теории и практики упр. – 2003. – № 2. – С. 92-96.; Екимова К.В. Формирование интегрального механизма взаимодействия субъектов инвестиционно-строительной деятельности региона – СПб.: Изд-во СПбГУЭФ, 2006. – 175с.; Рубе В.А. Малый бизнес: история, теория и практика. М.: Теис, 2000 г.; Стратегия развития предпринимательства в реальном секторе экономики / Под ред. Г. Б. Клейнера. – М.: Наука, 2002. – 448 с.; Рубе, В.А. Институциональные аспекты организации малого бизнеса в развитых странах и в России: уч.пос. – М.:ИНФРА-М, 2004. - 79 с.; Уотермен Р. Фактор обновления: как сохраняют конкурентоспособность лучшие компании. – М.: Прогресс. 1998.- 362 с.; Хайниш, СВ. Развитие малого бизнеса на основе реорганизации крупных предприятий / СВ. Хайниш. – М.: Бизнес-Тезаурус, 1998. – 392 с.; Хаси, Д. Стратегия и планирование / Д. Хаси. – СПб.: Питер, 2001. – 439 с.; Brooksbank, R. Defining the Small Business a new Classification of Company Size // Entrepreneurship and Regional Development. -1991.-№3.; Хизрич Р., Питерс М. Предпринимательство. – М.: Наука, 1991. – 20 с.; Хоскинг А. Курс предпринимательства. – М.: Наука, 1993. – 28 с.

МДХ олимларидан С.Б.Авдашева, Т.Ч.Амалиев, С.И.Абрамов, А.Н.Асаул, В.В. Бузырев, А.В. Батрак, В.В. Бородина, В.М.Васильев, Х.М. Гумба, А.А.Горбунов, Ю.А.Данилов, В.С.Кулибанов, В.Ю.Кротов, И.А. Либерман, Ю.П.Панибратов, И.А.Рахман, С.Д.Резник, В.А.Хитров, И.С.Степанова, Л.Г.Селютина, Н.В.Чепаченко⁵ларнинг асарларида қурилиш жараёнларини бевосита фирмаларда ташкил этиш масалалари, минтақада қурилиш саноатини бошқариш, соҳада хусусий корхоналар ходим ва раҳбарлари фаолиятини ташкил этиш, қурилиш корхоналарида молиявий режалаштириш жараёни ва амалиёти каби муаммолар қараб чиқилган.

Миллий хусусиятларни инобатга олган ҳолда Ўзбекистонда қурилиш соҳасини шакллантириш, соҳада КБХТни ривожлантиришнинг илмий-назарий, ташкилий-ҳуқуқий ва методологик асослари республиканинг иқтисодчи олимларидан С.Ғуломов, Б.Беркинов, Ш.Зайнутдинов, М.Зиёев, Р.Нуримбетов, Р.И.Гимуш, И.Х.Давлетов, С.Салаев, Б.Жуманиёзов, О.Мамаризаев, М.Ташмухамедов ва бошқаларнинг асарларида кенг ёритилган⁶.

Шунингдек, профессор Р.Нуримбетов⁷ уй-жой қурилиши соҳасини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизми ва стратегияси масалалари, PhD У.Джуманиязов⁸ уй-жой қурилиши соҳасида давлат-хусусий

⁵ Авдашева С. Государственная поддержка в регионах: состояние и проблемы реорганизации // Вопросы экономики. – 2001. – №25. – С. 113-125; Амалиев Т.Ч. Рентабельность строительных организаций-статистика и действительность // Экономика строительства. – 1996. – №3. – С. 20.; Абрамов С. И. Организация инвестиционно-строительной деятельности: Монография. – М.: Центр экономики и маркетинга, 1999, – С.48.; Асаул А. Н, Батрак А. В. Финансово-строительные группы – основа региональных строительных комплексов // Экономика строительства. – 1999. – №3. – С.5.; Асаул А.Н. Строительный кластер – новая региональная производственная система // Экономика строительства - 2004.- № 6 Бузырев, В.В. Планирование на строительном предприятии: уч. пос.для студ. вузов / В.В. Бузырев, Ю.П. Панибратов, И.В. Федесеев - М.: Изд-во «Академия», 2005. – 332 с . Бородина В.В. Бухгалтерский учет в строительстве. – М.: Книжный мир, 2002. – С. 137-139.; Васильев В.М., Панибратов Ю. П., Резник С.Д., Хитров В.А. Управление в строительстве. - М.: Изд-во АСВ, 1994. – 288 с.; Гумба Х.М. Экономика строительных организаций. М.: Центр экономики и маркетинга, 1998. – 144 с.; Горбунов А.А., Кулибанов В.С., Кротов В.Ю. Прогнозирование и регулирование инвестиционно-строительной деятельности в регионе. – СПб.: Банк Петровский. – 1995. – 112 с.; Данилов Ю.Я. Современные проблемы развития инвестиционно-строительной деятельности // Экономика строительства. – 1998. – №6. – С. 13.; Либерман И.А. Управление затратами в строительном комплексе. - М.:Март, 2005. – С.20, 26-28.; Рахман И.А. Зарубежный опыт регулирования инвестиционно-строительной деятельности // Экономика строительства. - 2001. – № 6. – С. 45. Экономика строительства: учебник / Под общей ред. И.С. Степанова. – 2-е изд., дон. и перераб. – М.: Юрайт-Издат, 2002. – С. 591.; Селютина Л.Г. Проблемы оптимизации структуры жилищного строительства в крупном городе в современных условиях. – СПб.:СПб ГЭИУ, 2002. – С. 234; Чепаченко Н.В. Эффективное управление строительной организацией. – СПб.: СПбгаЭУ, 2001. – С.174.

⁶ Гулямов С.С., Догиль Л.Ф., Семенов Д. Предпринимательства и малый бизнес. - Т.: ТГЭУ, 1996. – с.19-83., Кенжабоев А.Т. Тадбиркорлик фаолиятида ахборотлаштириш миллий тизимини шакллантириш муаммолари.: икт. фан. док. дисс....автореф. – Тошкент.: ТДИУ. 2005. - 41 б., Шепелев В.М. Очерки теории и практики развития предпринимательства. – Т.: Фан, 1998. –17 с., Худайбердиев З.Р. Ўзбекистон қишлоқ жойларида меҳнатга лаёқатли аҳолининг меҳнатда бандлиги ва унга кичик ҳамда хусусий тадбиркорликнинг таъсири.: икт.фан.ном. ...дис.автореф.Тошкент.1996.-22 б., Муфтайдинов Қ. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари: икт.фан.док....дисс.Т. ЎЗМУ. 2004. – 276 б. Р.И.Нуримбетов, Ш.Н.Зайнутдинов, С.К.Салаев., Б.Б. Жуманиязов, К.С.Ташмухамедова. Ўзбекистон минтақаларида қурилиш индустриясини ривожлантириш стратегиясининг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш. Монография. – Т. : Fan va texnologiyalar, 2017. – 288 б.

⁷ Р.И.Нуримбетов, Ш.Н.Зайнутдинов, С.К.Салаев., Б.Б. Жуманиязов, К.С.Ташмухамедова. Ўзбекистон минтақаларида қурилиш индустриясини ривожлантириш стратегиясининг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш. Монография. – Т. : Fan va texnologiyalar, 2017. – 288 б.

⁸ Джуманиязов У.И. Давлат-хусусий шерикчилиги асосида уй-жой қурилиши соҳасида корпоратив бошқарув механизмларини такомиллаштириш. Икт фанл бўйича фал.докт.(PhD) дисс.автореф. Тошкент.:ТДИУ, 2017.

шерикчилиги (ДХШ) асосида корпоратив бошқарув механизмларини янада такомиллаштиришнинг айрим назарий-услубий масалаларини тадқиқ қилишган.

Бирок, Ўзбекистонда демократик бозор ислохотларининг чуқурлашуви ва 2017-2021 йилларга мўлжалланган мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясининг устувор йўналишларидан бири бўлган - миллий миқёсда қурилиш мажмуасини ривожлантириш ва унинг доирасида турли даражадаги КБХТ субъектларини фаоллаштириш, соҳада тадбиркорликнинг турли шакллари ривожланиш даражаси пастиги ва етарлича ишлаб чиқилган услубий асоснинг етишмаслиги, КБХТ субъектларида стратегик қарорлар ишлаб чиқиш ва амалга оширишни бошқариш йўналишлари, ҳудудларда айнан қурилиш соҳасидаги КБХТ субъектларига таъсир этувчи омилларни баҳолаш, жараёнли ёндашувга асосланган бизнес-лойиҳалаштиришда жорий имкониятларни таҳлил қилиш, қурилиш соҳасида КБХТ ривожланишини эконометрик моделлаштириш ҳамда Тошкент вилояти мисолида ҳудудларда қурилиш соҳасида КБХТни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш бўйича илмий асосланган тавсия ҳамда таклифлар ишлаб чиқиш зарурати танланган диссертация мавзусининг долзарблигидан далолат беради.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Тошкент архитектура қурилиш институти илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ А-2-47 «Қуйи Амударё минтақасида қурилиш индустриясини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш» мавзусидаги амалий лойиҳа (2015-2017й.) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қурилиш соҳасида КБХТни фаоллаштириш стратегияси ва устувор йўналишларини асослаш бўйича илмий-амалий тавсия ҳамда таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

КБХТ ривожланишининг назарий жиҳатлари ва замонавий тенденцияларини асослаш;

Тошкент вилояти қурилиш соҳасида КБХТ ва унинг ҳудудий жойлашуви, статистик таҳлилининг амалга ошириш;

қурилиш соҳасида КБХТда стратегик қарорлар ишлаб чиқиш ва амалга оширишни бошқариш йўналишларини асослаб бериш;

қурилишда КБХТ субъектлари ривожланиш стратегиясини шакллантириш ва танлаш жараёнларини бошқаришни комплекс баҳолаш;

Тошкент вилоятида қурилиш соҳасида КБХТ ривожланишига таъсир қилувчи омиллар ва корхоналар салоҳиятини баҳолашнинг маҳаллий параметрларини ишлаб чиқиш;

ҳудудда қурилиш соҳасида КБХТ ривожланишини корреляцион-регрессион таҳлил усуллари ёрдамида эконометрик моделлаштириш;

вилоятда қурилиш соҳасида КБХТни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини, кўп вариантли сценарийлари ҳамда 2025 йилга қадар прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида миллий иқтисодиёт, хусусан, Тошкент вилояти қурилиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий фаолияти олинди.

Тадқиқотнинг предмети қурилиш соҳасида КБХТ субъектларини фаоллаштириш стратегиясини ишлаб чиқиш билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Диссертация ишида илмий мушоҳада, мантиқий фикрлаш, суҳбат, статистик, қиёсий таҳлил, тизимли ёндашув, бизнес жараёнларини мантиқий моделлаштириш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

худуддаги қурилиш соҳасининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини ошириш стратегияси турли ҳажмдаги қурилиш корхоналари учун техник-иқтисодий жиҳатдан алоҳида ва ўзаро ҳамкорликда бажарилиши мақсадга мувофиқ бўлган қурилиш объектларини белгилаш асосида такомиллаштирилган;

йирик корхоналар томонидан амалга оширилаётган қурилиш ишларининг кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан нисбатан самарали бажарилиши мумкин бўлган қисмини аутсорсинг орқали ихтисослаштириш асосида қурилиш соҳаси иқтисодий самарадорлигини таъминлаш асосланган;

худуднинг олис, тоғли, етиб бориш қийин бўлган чекка жойларида қурилиш ишларини бажарувчи кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини моддий-техник, консултатив ҳамда меъёрий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватловчи «мобиль даврий мониторинг гуруҳи» фаолиятини йўлга қўйиш таклиф этилган;

вилоятда қурилиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини оширишнинг устувор йўналишлари асосида 2025 йилга қадар прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

КБХТнинг худудий муаммолари тизимли ёндашув асосида ўрганилиб, КБХТ субъектларини қўллаб-қувватлаш усуллари ва ечимлари таклиф этилган;

КБХТни ривожлантириш орқали мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш механизми таклиф этилган;

қурилиш корхоналари ривожланишини стратегик шакллантириш ва танлаш жараёнларини бошқаришнинг мантиқий механизмлари ишлаб чиқилган;

вилоятда қурилиш корхоналари салоҳиятини баҳолашнинг маҳаллий параметрлари таклиф этилган;

қурилиш соҳасида КБХТ субъектлари сони ва уларнинг ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир этувчи омиллар ўртасидаги корреляцион-регрессион боғлиқликнинг эконометрик модели ишлаб чиқилган;

Тошкент вилоятида амалга оширилган қурилиш ишлари ҳажмига таъсир қилувчи омиллар таъсирини баҳолаш натижаларига асосланган ҳолда қурилиш ишлари ҳажмини ошириш бўйича прогноз-сценарийлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотларидан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар математик-статистика усуллари воситасида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий-амалий аҳамияти шундаки, ишлаб чиқилган илмий - амалий таклифлардан минтақалар қурилиш тармоғида КБХТни янада ривожлантириш ва фаоллаштиришга оид назарий-методологик аппаратни, мавзуга оид иқтисодий механизмларни такомиллаштиришга бағишланган махсус илмий тадқиқотларни амалга оширишда, жойларда қурилишда КБХТни янада самарали ривожлантириш бўйича ишлаб чиқиладиган дастурий ҳужжатларда, комплекс чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қурилиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини оширишга қаратилган илмий ва амалий таклифлар асосида:

худуддаги қурилиш соҳасининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини ошириш стратегияси турли ҳажмдаги қурилиш корхоналари учун техник-иқтисодий жиҳатдан алоҳида ва ўзаро ҳамкорликда бажарилиши мақсадга мувофиқ бўлган қурилиш объектларини белгилаш асосида такомиллаштириш бўйича таклифлар Тошкент вилоятида қурилиш соҳасида фаолият юритувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон савдо-саноат палатаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг 2019 йил 17 майдаги 01/СЭ-10-18-сон маълумотномаси). Натижада Тошкент вилоятида қурилиш соҳасида фаолият юритувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари самарадорлигини 10 фоизга оширишга эришилган;

йирик корхоналар томонидан амалга оширилаётган қурилиш ишларининг кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан нисбатан самарали бажарилиши мумкин бўлган қисмини аутсорсинг орқали ихтисослаштириш бўйича берилган таклифлар Тошкент вилоятида қурилиш соҳасида фаолият юритувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон савдо-саноат палатаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг 2019 йил 17 майдаги 01/СЭ-10-18-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг амалиётга жорий этилиши натижасида Тошкент вилоятидаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ўртача йиллик даромади 8 фоизга ошиши таъминланган;

худуднинг олис, тоғли, етиб бориш қийин бўлган чекка жойларида қурилиш ишларини бажарувчи кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини моддий-техник, консультатив ҳамда меъерий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватловчи «мобиль даврий мониторинг гуруҳи» фаолиятини йўлга қўйиш бўйича берилган таклиф Тошкент вилоятида қурилиш соҳасида фаолият

юритаётган кичик корхоналар ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятида жорий этилган (Ўзбекистон савдо-саноат палатаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг 2019 йил 17 майдаги 01/СЭ-10-18-сон маълумотномаси). Натижада Тошкент вилояти қурилиш соҳасида фаолият юритувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг харажатларини ўртача 6 фоизга камайтириш имконини берган;

вилоятда қурилиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини оширишнинг устувор йўналишлари асосида 2025 йилга қадар ишлаб чиқилган прогноз кўрсаткичларини аниқлаш асосида такомиллаштириш бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси фаолиятини прогноз қилишда фойдаланилган (Ўзбекистон савдо-саноат палатаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг 2019 йил 17 майдаги 01/СЭ-10-18-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида Тошкент вилояти қурилиш соҳасида фаолият юритувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг 2020-2025 йилларда қурилиш-монтаж ишлари ҳажмини ҳамда кичик корхоналар сонини ошириш бўйича прогноз кўрсаткичларининг аниқлигини ошириш имконини берган

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та халқаро, 1 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси ОАКнинг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 5 таси республика, 2 таси хорижий журналларда ҳамда 4 та тезислар нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, 9 та параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, умумий ҳажми 149 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, илмий янгилиги, амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ва тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Қурилиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик (КБХТ)ни ривожлантиришнинг назарий-услубий асослари**» деб номланиб, унда КБХТ ривожланишининг назарий асослари ва замонавий тенденциялари, КБХТнинг ҳудудий муаммолари, кўллаб-қувватлаш усуллари ва ечимлари, Тошкент вилояти қурилиш соҳасида КБХТнинг минтақавий жойлашуви тадқиқ этилган.

КБХТ бозор иқтисодиётини шакллантириш, ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлаш, мулкдорлар синфи ҳамда бозорда рақобат курашини ривожлантиришда асосий йўналишлардан бири сифатида қаралиб, бугунги кунда барқарор иқтисодий ривожланишнинг локомотиви вазифасини бажариб келмоқда.

«Тадбиркор» ва «тадбиркорлик» тушунчаларига иқтисодчи олимларнинг турли қараш ва ёндашувлари мавжуд бўлиб, ҳозирда умумқабул қилинган аниқ таъриф шаклланмаган. Ушбу йўналишда тадқиқот олиб борган машҳур иқтисодчи П.Ф.Друкер таъкидлаб ўтганидек, «ушбу ибора Сэй томонидан киритилганига анча вақт бўлганига қарамадан, биз ҳалигача «тадбиркор» ва «тадбиркорлик» атамалари таърифларида чалкашликларга юз тутамиз»⁹.

Америкалик олим, профессор Роберт Хизрич тадбиркорликни қийматга эга бўлган янги нарсани яратиш жараёни, тадбиркорни эса ушбу жараён амалга оширилишида ўзининг зарур вақти ва кучини сарфлайдиган, ўз зиммасига барча молиявий, руҳий ва ижтимоий таваккалчиликни оладиган, мукофот сифатида фойда ва эришганларидан қониқишга эга бўладиган шахс сифатида таърифласа¹⁰, яна бир америкалик иқтисодчи олим, профессор Алан Хоскинг: «Якка тартибдаги тадбиркор - ўз маблағларини бизнесга йўналтирган, бизнесни шахсан ўзи бошқарадиган ва мустақил равишда қарорлар қабул қилиш, зарур маблағларни тақдим қилиш учун шахсан жавобгар шахс. Унинг мукофоти тадбиркорлик фаолияти ва эркин тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишидан қониқиш ҳисси натижасида олинган даромаддир. Шу билан бирга, у корхонаси банкротлик ҳолатига юз тутганида барча хавфни ўз зиммасига олиши керак»¹¹, деб таъкидлайди.

Ж.Шумпетернинг фикрига кўра, тадбиркорликнинг таърифи у томонидан амалга ошириладиган янги комбинацияларни амалга ошириш функцияси тадбиркорлик фаолияти билан узоқ муддат давомида шуғулланиш имкониятини бермайди. Янги комбинация ишлаб чиқариш жараёнига жалб қилиниши биланоқ ўзининг янгилик функциясини йўқотади, уни амалга ошираётган шахс тадбиркор деб номланиши мумкин¹².

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, тадбиркорлик фаолиятининг дастлабки шаклланиш босқичи айнан кичик бизнес кўринишига тўғри келади. Бундан ташқари асосий макроиқтисодий кўрсаткичларни шакллантиришда кичик бизнеснинг улуши етарли даражада юқори салмоққа эга. Жумладан, Европа Иттифоқида кичик ва ўрта корхоналарнинг аҳоли бандлигини таъминлашдаги улушида 66,3 фоизни ташкил қилиб, иттифокнинг айрим давлатлари: Эстония (78,2 фоиз), Италия (78,7 фоиз), Латвияда (79,4 фоиз) бу кўрсаткич 75 фоиздан ошади¹³.

⁹ Друкер П. Рынок: как выйти в лидеры, практика и принципы. – М.:1992. – С.249.

¹⁰ Хизрич Р., Питерс М. Предпринимательство. – М.: Вымпел, 1991. – С.89-94 .

¹¹ Хоскинг А. Среда предпринимательства. Курс предпринимательства. – М., 1993. – с. 11, 12.

¹² Schumpeter, J.A. (1934) The theory of economic development, Cambridge, Mass.: Harvard University Press; also: Cambridge, Mass.: Harvard Economic Studies, vol. 46; also: London: Oxford University Press. First original edition in German published in 1912.

¹³ <https://ec.europa.eu/eurostat/statistics-explained/index.php?>

Шунингдек, Жанубий-шарқий Осиё давлатларида бу кўрсаткич янада юқорироқни ташкил қилади. Японияда ушбу кўрсаткич хом ашё тайёрловчи соҳаларни ҳисобга олмаганда иш билан бандлар сони умумий кўрсаткичининг тахминан 70%ни ташкил қилади¹⁴. Япония иқтисодиётининг ривожланишида кичик ва ўрта фирмаларнинг ўрни жуда аҳамиятли ҳисобланади.

Фикримизча, тадбиркорлик тузилмаларини ривожлантиришда маҳаллий ҳокимиятнинг таъсир қилиш имкониятларидан фойдаланиш бўйича мамлакатимиз тажрибасининг кўрсатишича, кейинги йилларда тадбиркорлик етарли даражада жиддий ривожланиши таъминланмоқда. Шунинг таъкидлаш жоизки, 2019 йил 1 январь ҳолатига кўра, мамлакатимизда фаолият олиб бораётган 285,5 мингта корхоналарнинг 229,6 мингдан ортиғи ёки 80,4 фоизи КБХТ субъектлари ҳисобланади, ушбу субъектларнинг 10 фоизи эса қурилиш соҳасида фаолият кўрсатади. Ташкилий-ҳуқуқий нуқтаи назардан олиб қараганда, жами корхоналарнинг 75,8 мингтаси ёки 26,5 фоизи хусусий корхоналар ҳисобланади.

Ҳудудлар кесимида тадбиркорлик фаолияти ривожланишида Тошкент вилояти алоҳида аҳамият касб этиб, жами фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг 9,4 фоизи ушбу ҳудуд ҳиссасига тўғри келади ва Тошкент шаҳридан кейинги ўринни эгаллайди. Бироқ, 1000 аҳолига тўғри келадиган кичик корхона ва микрофирмалар сони бўйича ҳудудлар кесимида 4-ўринни эгаллаб, вилоятда ҳар 1000 кишига 14,2 бирлик КБХТ субъекти тўғри келади. Тошкент вилоятида рўйхатдан ўтган кичик корхона ва микрофирмалар сонининг барқарор ўсиши таъминланмоқда. Хусусан, 2015 йилда уларнинг сони 21741 та бўлиб, республикада умумий КБХТ субъектлари сонига ҳудуднинг улуши 9,8 фоизни ташкил қилган бўлса, ҳудудларда тадбиркорликни ривожлантиришда маҳаллий ҳокимият органлари ролини ошириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида 2018 йилда мазкур кўрсаткич 25128 тани ташкил қилиб, ҳудуднинг ушбу кўрсаткич бўйича республика умумий кўрсаткичидаги улуши 10,4 фоизга етган.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, кичик бизнес учун муҳим ҳисобланган иккита асосий капитал мавжуд: аҳолининг шахсий жамғармаси ва банк кредитлари. Кичик бизнесни давлат томонидан қўллаб-қувватлашдаги асосий йўналишлардан бири имтиёзли кредит линияларини очиш ҳисобланади. Ушбу йўналишда мамлакатимизда қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, жумладан, 2018 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар миқдори 2015 йилга нисбатан 9,4 баробардан зиёдга ошиб, қарийб 115,0 трлн. сўмдан ортиқни ташкил этди¹⁵.

Маълумки, кичик бизнесни ривожланиш даражаси 1000 кишига мўлжалланган кичик корхоналар сони билан таснифланади. ЕИХ давлатларида бу кўрсаткич 30 га яқин корхоналардан иборат. Ўзбекистонда ушбу

title=File:Number_of_enterprises,_turnover_and_persons_employed_and_the_share_of_enterprises_with_fewer_than_250_persons_employed,_2015.png

¹⁴ <https://www.oecd.org/japan/japan-economy-improving-the-performance-of-japan-sme-sector.pdf>

¹⁵ <http://cbu.uz/uzc/statistics/bankstats/2019/03/162498/>

кўрсаткичнинг ҳам ўсиши таъминланмоқда, жумладан, 2019 йил 1 январь ҳолатига кўра, ўртача ҳар 1000 нафар аҳолига тўғри келадиган кичик бизнес субъектлари сони 12,2 бирликни ташкил этиб, олдинги йилга нисбатан 107 фоизга ошиши таъминланган. Тошкент шаҳрида ушбу кўрсаткич 21,2 ни, Тошкент вилоятида 14,2 ни ташкил қилади. Ўртача кўрсаткич яъни, республика кўрсаткичидан юқорироқ кўрсаткичлар Сирдарё вилоятида -16,9, Жиззах вилоятида – 15,0, Қашқадарё вилоятида -12,5, Навоий вилоятида – 12,5, Бухоро вилоятида – 12,3 ни ташкил қилади.

Ўзбекистонда КБХТ ривожланишининг асосий кўрсаткичларини бошқа мамлакатлар кўрсаткичлари билан таққосласак, республикада КБХТнинг ЯИМдаги улуши 54,9% ни ташкил этса, ЕИнинг айрим мамлакатларида қўшилган қийматни яратишда КБХТнинг улуши 60 фоизни ташкил этади¹⁶.

Муаллиф фикрича, мамлакатимизда бандликни таъминлашда КБХТ алоҳида аҳамият касб этади, жумладан, 2018 йилда КБХТда бандлар сони 10587,7 минг кишини ёки мамлакат иқтисодиётида иш билан бандлар сонининг 76,3 фоизини ташкил этган, олдинги йилга нисбатан 1,8 фоизга ўсиши таъминланган.

Тошкент вилояти бўйича 2018 йилда кичик корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматларнинг ҳажми ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматлар умумий ҳажмининг 59,4 фоизини ташкил қилди. Статистик маълумотларнинг кўрсатишича, кичик корхоналар сонининг ортишига кўра мутлақ етакчиликни саноат соҳаси эгаллаган.

Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган корхоналар умумий сони 2018 йилда 285,5 мингтани ташкил қилган бўлса, қурилиш корхоналари 24,1 мингта ёки 8,5 фоизни, 2000 йилга нисбатан эса уларнинг сони 18,4 мингтага ёки умумий сонининг 2,2 фоизга ўсиши кузатилган¹⁷.

Кичик корхона ва микрофирмаларнинг ўз кучи билан бажарган қурилиш ишлари ҳажми 2017 йилда 12320,7 млрд. сўмни ташкил қилган бўлиб, ҳудудлар кесимида олиб қараганда асосий улуш Тошкент шаҳрига (22.3 %) тўғри келади. Тошкент вилоятида ушбу йўналишда 583,5 млрд. сўм миқдорига тенг бўлган иш бажарилган ёки республика мос кўрсаткичида ҳудуднинг улуши 4,7 фоизни ташкил қилади.

Таҳлилларга кўра, Тошкент вилоятида қарийб 21,7 мингта яқин кичик корхоналар фаолият олиб бормоқда. 2015 йилдан буён кичик корхоналарнинг сони 13,9 % ортган, яъни минг аҳоли сонига нисбатан 14,2 та кичик корхона, бутун Ўзбекистон бўйича 12,2 та корхона тўғри келади. Ҳудудда жами аҳоли сони 2861,3 минг кишини ташкил қилгани ҳолда фақатгина 1413 та оилавий корхоналар рўйхатга олинганлиги минтақада кичик бизнесни ривожлантириш учун кенг имкониятлар мавжудлигидан далолат беради. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 июндаги «Ҳар бир оила-тадбиркор» дастурини амалга ошириш тўғрисида»ги ПҚ-3777-сонли Қарори, ушбу

¹⁶ <https://www.oecd.org/mcm/documents/C-MIN-2017-8-EN.pdf>

¹⁷ www.stat.uz

йўналишни ривожлантиришга ҳукуратимиз томонидан қанчалик даражада аҳамият берилаётганлиги ҳамда КБХТни ривожлантиришда унинг асосий йўналишлардан бири сифатида қаралаётганлигидан далолат беради.

Ҳудуддаги қурилиш корхоналари фаолиятининг асосий кўрсаткич-ларини ўрганиб чиқадиган бўлсак, КБХТ ҳар йили қурилиш саноатини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшиб келаётганлигини таъкидлашимиз мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

Тошкент вилоятида қурилиш фаолиятининг асосий кўрсаткичлари¹⁸

Кўрсаткичлар	2014йил	2015йил	2016йил	2017йил	2018йил
КБХТ субъектлари томонидан бажарилган қурилиш ишлари (млрд. сўм)	935,0	1104,0	1214,9	1409,2	2250,8
КБХТнинг қурилиш ишларидаги улуши (%)	70,3	70,7	73,8	77,2	75
Кичик корхона ва микрофирмаларнинг ўз кучи билан бажарган қурилиш ишлари ҳажми (млрд. сўмда)	344,5	357,3	522,4	583,5	1289,3
Кичик корхона ва микрофирмаларнинг ўз кучи билан бажарган қурилиш ишларининг республикадаги улуши (%)	5,2	4,5	5,2	4,7	5

1-жадвал маълумотларига кўра вилоятда қурилиш саноатини КБХТнинг ривожланиш тендециялари асосида қараб чиқамиз.

Демак, 2014 йилда қурилиш ишларида КБХТнинг улуши 70,3 фоизни ташкил қилган бўлса, 2018 йилга келиб 75 фоизга етган. КБХТни ўз кучи билан бажарган ишлари ҳажми нуқтаи назаридан олиб қараганда, уларнинг миқдори номинал қийматда ошиб боришини кузатишимиз мумкин. Ушбу маълумотлар ҳамда вилоятнинг иқтисодий фаолиятини инобатга олган ҳолда шуни таъкидлаш мумкинки, вилоятда қурилиш соҳасида КБХТни ривожлантириш имкониятларидан етарли даражада фойдаланилмапти.

Тадқиқотлар қурилиш ишларига бошқа соҳаларга нисбатан алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини кўрсатмоқда. Чунки, мамлакатда КБХТ хусусий капитал эвазига ривожланади, қурилиш соҳасини инвестициялаш эса, асосан, ишлаб чиқарувчилар томонидан амалга оширилади.

Диссертациянинг «**Қурилиш соҳасида КБХТ субъектлари фаолиятини фаоллаштириш омиллари ва механизмлари**» деб аталувчи иккинчи бобида Тошкент вилояти қурилиш тармоғидаги КБХТнинг ривожланишининг статистик таҳлили, КБХТда стратегик қарорлар ишлаб чиқиш ва амалга оширишни бошқариш йўналишлари ҳамда қурилиш соҳасида кичик бизнеснинг ривожланишига таъсир қилувчи омилларни баҳолаш амалга оширилган.

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Тошкент вилоятида қурилиш соҳасидаги кичик бизнес ривожланиши бўйича олиб борилган тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, соҳада кичик бизнесни ривожлантириш йўллари ишлаб чиқишда минтақанинг стратегик мақсадларидан келиб чиққан ҳолда зарур умумий хулосалар чиқаришни талаб қилади. Бунда тадқиқ қилинаётган минтақада кичик бизнесни ривожлантиришнинг умумий шарт - шароитлари ва уни фаоллаштирадиган стратегик омилларни аниқлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. КБХТнинг ривожланиш даражаси бевосита мамлакатда бозор иқтисодиётининг шаклланиш даражаси, мавжуд иқтисодий тизимнинг бозор қонунлари асосида амал қилиши, тадбиркорлар учун яратилаётган имкониятлардан фойдаланиш даражаси кабилар асосида баҳоланади.


Диссертацияда минтақалардаги КБХТ тараққиётини ифодаловчи асосий ва умумий кўрсаткичлардан бири - ҳудудда яратилган ЯҲМда КБХТнинг улуши ҳисобланиши таъкидланади. Буни инобатга олган ҳолда бевосита статистик маълумотларга эътибор қаратадиган бўлсак, Ўзбекистонда ЯИМни яратишда КБХТнинг улуши 2018 йилда 59,4 фоизни ташкил қилган бўлиб, ушбу кўрсаткич ҳудудлар кесимида олиб қараладиган бўлса, Навоий вилояти, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент вилоятларида ЯҲМни яратишда КБХТнинг улуши ўртача кўрсаткичдан паст эканлигини кўришимиз мумкин. Бироқ, бу уларда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш бошқа ҳудудларга нисбатан паст деган хулоса чиқаришга асос бўла олмайди, чунки кўпгина ҳолатларда саноатнинг нисбатан юқори даражада тараққий этганлиги ва йирик саноат корхоналарининг улушини юқорилиги бундай вазиятларни вужудга келтиради.

Бу эса, ўз навбатида, тўлиқ ва асосланган хулосани чиқариш учун бошқа қатор кўрсаткичлар бўйича ҳам қиёсий таҳлилни амалга ошириш заруриятини келтириб чиқаради. КБХТ ривожланганлигини ифодаловчи кўрсаткичлардан яна бири жойларда янгидан ташкил қилинаётган кичик корхона ва микрофирмалар сони ва улуши билан белгиланади. Янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар сонининг ҳудудлар кесимидаги улушига эътибор қаратиладиган бўлса, Навоий вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасида ушбу кўрсаткич мос равишда 3,7 ва 4,4 фоизни ташкил қилиши ва анча пастлигини кўришимиз мумкин, бироқ Тошкент вилоятида эса тесқари ҳолатни, яъни, республикада янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар катта қисми (10,4 фоиз) вилоят ҳиссасига тўғри келаётганлиги ва улуш нуқтаи - назаридан вилоят Тошкент шаҳридан кейин иккинчи ўринда турганлигини кўришимиз мумкин.

Ҳудудларни КБХТ ривожланганлиги бўйича қиёсий таҳлили амалга оширилган экан, улардаги ҳолатни янада объективроқ баҳолаш ва баҳолашда уларнинг аҳоли сони нуқтаи - назаридан кўламини инобатга олиш билан бирга амалга ошириш нафақат миқдорий, балки сифатий кўрсаткичлар асосидаги таҳлилни таъминлашга хизмат қилади. Ушбу таҳлилни амалга ошириш учун сифатли кўрсаткич ҳисобланган ҳар 1000 аҳолига тўғри келадиган КБХТ субъектлари сонидан фойдаланилди. Таҳлилларнинг кўрсатишича, мазкур

кўрсаткич республикада ўртача 13,2 бирликни ташкил қилади. Худудлар кесимида қараб чиқиладиган бўлса, энг юқори кўрсаткич Тошкент шаҳри (23,9 бирлик), Сирдарё вилояти (18,0 бирлик), Жиззах вилояти (16,9 бирлик) қабилар ҳиссасига тўғри келмоқда.

Ишда вилоят асосий кўрсаткичларини мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги ўрни ҳақида умумий тушунчага эга бўлган ҳолда, мазкур натижаларни таъминлашига хизмат қилувчи ҳамда асосий йўналиш ҳисобланган КБХТни худудда ривожланганлик даражасини ўрганиш мақсадида КБХТнинг иқтисодиёт тармоқларидаги улушини республика даражасидаги кўрсаткичлар билан таққослаган ҳолда қиёсий таҳлили амалга оширилган (1-расм).



1-расм. Ўзбекистон Республикаси ҳамда Тошкент вилоятида иқтисодиёт тармоқларида КБХТнинг улуши (2018 йил)¹⁹

Демак, республикада саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда КБХТнинг улуши 34,7 фоизни ташкил қилгани ҳолда, Тошкент вилоятида ушбу кўрсаткич 47,6 фоизни ташкил қилмоқда, худди шу каби ҳолатни хизматлар соҳасида ҳам кўриш мумкин. Яъни, республикада хизматлар соҳасида КБХТнинг улуши 55,2 фоизни ташкил қилган бўлса, вилоятда 73,8 фоизни ташкил қилмоқда. Бироқ, қурилиш соҳасида тесқари ҳолатни кузатиш мумкин, яъни вилоятда мазкур соҳада КБХТнинг улуши анча паст бўлиб республикада 66,6 фоизни ташкил қилгани ҳолда вилоятда 42,8 фоизни ташкил қилмоқда.

Вилоятда 2018 йилда жами 2543,2 млрд. сўм қийматидаги қурилиш-монтаж ишлари бажарилган бўлиб, олдинги йилга нисбатан 10,1 фоизга ошиши таъминланган (2-жадвал).

¹⁹ Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси ва Тошкент вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Тошкент вилоятида бажарилган қурилиш-монтаж ишлари ва уларнинг субъектлар бўйича тақсимооти (2017-2018 йиллар)²⁰

Кўрсаткичлар	2017 йил		2018 йил	
	Қурилиш-монтаж ишлари қиймати (млрд. сўм)	улуши (фоизда)	Қурилиш-монтаж ишлари қиймати (млрд. сўм)	улуши (фоизда)
Қурилиш ишлари	1825,4	100	2543,2	100
Шу жумладан:				
Йирик корхоналар	368,4	20	597	23
Кичик корхона ва микрофирмалар	696,3	38	884,4	35
Норасмий сектор	760,7	41,7	1061,8	42,8

Келтирилган жадвал маълумотларидан кўринадики, вилоятда қурилиш-монтаж ишлари бажарилишида норасмий секторнинг улуши 2017 йилда 41,7 фоизга тенг бўлган бўлса, 2018 йилда ушбу кўрсаткич 42,8 фоизни ташкил этган.

Вилоятда асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми 2018 йилда 9351,4 млрд. сўмни ташкил қилиб, ўтган йилга нисбатан 23,7 фоиз ўсган. Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг 1139,1 млрд. сўми, яъни 12,2 фоизи давлат маблағлари, қолган 8212,3 млрд. сўми ёки 87,8 фоизи нодавлат сектор улушига тўғри келади.


Муаллиф фикрича, қурилиш корхоналарини ривожлантириш стратегиясини режалаштириш жараёни уни ўзлаштиришдаги қатор мураккабликларга боғлиқ бўлиб, бунда асосий қийинчилик, дастлабки қарорлар қабул қилиш, корхонанинг тузилиши ва молиявий таъминоти билан боғлиқ. Бундан ташқари, тармоқ ва минтақавий омилларни инобатга олган ҳолда стратегияни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга қодир бўлган малакали раҳбарларнинг етишмаслиги ҳам асосий муаммолардан бири саналади.

Диссертацияда қурилиш корхоналарини ривожлантиришнинг стратегик бизнес лойиҳалари вариантларини ҳар томонлама баҳолашнинг мантиқий усули асосланган ҳолда қурилиш соҳасидаги КБХТ субъектларини стратегик режалаштиришнинг турли муқобил вариантлари, шартли баҳолаш талаблари, танланган стратегиянинг стратегик мантиғи, молиявий-иқтисодий жиҳатдан даромадлилигини баҳолаш йўналишлари ҳам келтириб ўтилган. Қурилиш тармоғидаги КБХТ корхоналарини ривожлантиришнинг стратегик бизнес лойиҳаларини танлашни тўғри ва самарали амалга оширишда ушбу жараённи бошқариш лозим бўлади.

Шунингдек, стратегик бошқарув моделларининг умумий элементлари, кичик корхоналарда стратегик бошқарувдан фойдаланишни қўллаб-қувватловчи ва тўсқинлик қилувчи ҳолатлар, КБХТ субъектларида бизнесни

²⁰ Тошкент вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

режалаштиришни амалга ошириш сабаблари ва хусусиятлари таҳлилий қараб чиқилган. Ўрганишлар натижаларига асосан қурилиш корхоналарини ривожлантиришни стратегик бизнес лойиҳалари вариантларини атрофлича баҳолаш ва ривожланиш стратегиясини шакллантириш ҳамда танлаш жараёнини бошқаришнинг мантиқий схемаси ишлаб чиқилган (2-расм).



2-расм. Қурилишда КБХТ корхоналари ривожланиш стратегиясини шакллантириш ва танлаш жараёнини бошқаришнинг мантиқий схемаси²¹.

Муаллиф фикрича, бугунги кунда мамлакатимизда қурилиш тармоғининг ривожланиши бозор қонунларига асосланган ҳолда таъминланиши, КБХТ роли ва улушининг оширилиши соҳа бошқарувига ўзига хос ёндашувни талаб қилмоқда. Ўрганиш натижаларининг кўрсатишича қурилиш мажмуасининг барқарор ривожланиши бозор инфратузилмаси шаклланганлик даражаси билан бевосита боғлиқ бўлиб, мажмуа бозори инфратузилмаси банклар, биржалар, брокерлик идоралари ва фирмалари, институционал инвесторлар, хорижий инвесторлар, аудиторлик фирмалари, кичик бизнесни қўллаб-қувватловчи дастурлар, фондлар ва бошқалардан ташкил топади.

²¹ Муаллиф ишланмаси

Ҳозирги даврда ривожланган мамлакатларнинг қурилиш соҳасида маҳсулотлар сифатини ошириш, сарф-харажатларни пасайтириш, қурилиш ишларини бажариш муддатларини қисқартириш, шунингдек, ёлланма ишчи кучини бир марталик ишларга жалб этиш каби ишларни ўзида намоён этадиган аутсорсинг тизими амалда ўзининг ижобий натижасини бермоқда. Шу нуқтаи назардан, вилоятдаги йирик корхоналар томонидан амалга оширилаётган аксарият қурилиш-монтаж ишларини КБХТ субъектлари томонидан нисбатан самарали бажарилиши мумкин бўлган қисмини аутсорсинг орқали ихтисослаштириш асосида қурилиш соҳаси иқтисодий самарадорлигини таъминлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

